*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

4-йил чиқиши
26 ИЮЛЬ, 1969 й.
ШАНБА
№ 173 (937).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

## МУБОРАК БЎЛСИН

Шаҳримизнинг умумий овқатланиш тармоқлари ва савдо шохобчалари ходимлари «Савдо ходимлари куни»ни байрам қилаётирлар.

Меҳнаткашлар депутатлари шаҳар Совети ижроия комитетининг шу йил 24 июлдаги қарорига мувофиқ меҳнатда ва жамоат ишларида эришган катта ютуқларини назарда тутиб, савдо ходимлари байрами муносабати билан умумий овқатланиш тармоқлари ва савдо ходимларидан 40 кишини фахрий ёрлиқлар билан мукофотлади.

Мукофотланганлар орасида «Ташгекстильшейторг»га қарашли 19-магазин катта сотувчиси М. Юсупов, Куйбишев районидаги 8-магазин катта сотувчиси Қ. Фозилова, «Ташпромторг»га қарашли 154-магазин катта сотувчиси Н. Бобожонова, Фрунзе районидаги ошхоналар трестига қарашли 17-ошхонанинг пазанда-бригадири Ф. Орипов. Куйбишев районидаги ошхоналар трестига қарашли 11-ошхона пазанда — бригадири А. Разина ва бошқалар бор.

Мукофотингиз муборак бўлсин!



ЭРТАГА—

ҲАРБИЙ-ДЕНГИЗ ФЛОТИ КУНИ


Қизил Байроқли Қора денгиз флоти. Сигналчи комсомол аъзоси Иван Крупяк вахтада.

ТАСС фотохроникаси.

* * *

1927 йил бизнинг флотимизга ватанимизда тайёрланган «Первенец» торпедо катери биринчи бўлиб кирган эди. Бу суратда ана шу қалдирғоч торпедо катеридан бир неча бор устун бўлган энг қудратли торпедо катерини кўриб турибсиз.

И. Исаков фотоси.



◆ ЭРТАГА—СОВЕТ САВДОСИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

# ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ХИЗМАТИДА

Пойтахт савдо ходимлари ўзларининг анъанавий байрамлари «Совет савдоси ходимлари куни»ни тўртинчи бор нишонлаяптилар. Бу улкан байрам куни эришилган ютуқларга якун ясалади, бўлажак ишларнинг режаси тузилади.

В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллик юбилейи шарафига социалистик мусобақани қизитиб юборган совет савдоси ходимлари экономикада ва совет савдоси маданиятида янгидан-янги муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар. Шу йилнинг биринчи ярим йилги чакана товар оборати ўтган йилнинг шу даврига қараганда 4,7 процент ўсди. Аҳолига 18,9 миллион сўмлик товар сотилди. Бу 1968 йилдагига қарагандан анчагина кўпдир.

Моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва тараққий эттириш бўйича катта ишлар қилинди. 700 ишчи ўрнига эга бўлган 195 та савдо тармоғи фойдаланишга топширилди. Булар Чилонзорнинг 10-кварталига жойлашган «Мебель», «Пойафзал», Қорақамиш массивидаги саноат моллари магазин-мактаби, шу массивнинг 8, 10, 23, 26-кварталларига жойлашган ва «Марказ-1», «Марказ-2» кварталларидаги саноат моллари магазинларидир.

Фойдаланишга топширилган савдо тармоқлари янги савдо-технологик ускуналари билан жиҳозланган. Бу меҳнат жараёнларини механизациялаштиришга ёрдам беради. Савдо ходимларининг ишини енгиллаштиради.

Ўтган йилдан бошлаб ўзўзига хизмат, молларни намуналари бўйича сотиш, молларни уйга элтиб бериш каби совет савдосининг янги формалари ҳаётга кенг тадбиқ қилина бошланди.

1 июлга қадар шаҳримизда ана шу янги форма бўйича ишлаётган савдо шохобчаларининг сони 430 га етди. Уларнинг ҳаммаси савдо маданиятини янада кўтарди. Харидорларга бир қатор қулайликлар яратади, уларнинг қимматли вақтларини тежашга ёрдам беради.

Харидорларнинг вақтини тежаш ва уларга фақат аъло сифатли молларни сотиш совет савдоси ходимларининг кундалик шиорига айланиб қолди.

Совет савдоси ходимлари харидорларга маданий хизмат қилишни кун сайин яхшилашга ҳаракат қилмоқдалар. Уларнинг меҳнатлари муносиб тақдирланяпти. «Совет савдоси аълочиси» кўкрак нишони билан 230 киши мукофотланди. Олти киши «Хизмат кўрсатган савдо ходими» деган фахрли номга эга бўлди. 15 киши орден ва медаллар билан тақдирланди. 30 киши УзССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқларини олди. Улардан марказий универсал магазинининг бўлим бошлиғи Ҳакимов Ленин ордени, Куйбишев районидаги 1-магазиннинг сотувчиси Назарамева Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланган. Марказий универсал магазинининг коллективи УзССР савдо Министрлиги, республика давлат савдоси касаба союзлари комитети ва матлубот жамиятининг кўчма Қизил Байроғини қўлга киритиш бахтига муяссар бўлди. Узбекистон «Гастроном» конторасн коллективи УзССР Министрлар Совети ва касаба союзлари Республика Советининг кўчма Қизил Байроғи билан мукофотланди.

Совет савдоси ходимларининг сафи малакали кадрлар билан тўлиб боряпти. Саккизта магазин-мактаб бир йилда мингдан ортиқ савдо ходимларини тайёрлади.

Партия ва ҳукуматимизнинг тинимсиз қилаётган оталарча ғамхўрлиги туфайли савдо хизмати янада такомиллашиб, шаҳримиз аҳолисига савдо хизмати кўрсатиш янада яхшиланиб боряпти. Йилнинг охиригача шаҳримиз аҳолисига 486670 сўмлик товар сотилади. 600 ишчи ўрнига мўлжалланган 35 та янги магазин ишга тушади. Нон-булка маҳсулотлари, мева-сабзавот, сут-қатиқ маҳсулотлари, озиқ-овқат маданий ва саноат моллари учун ихтисослаштирилган 13 та магазин очилди.

Ҳозир шаҳар аҳолисини мева, сабзавот маҳсулотлари билан етарли таъминлаш учун бу соҳадаги савдо шохобчаларининг сонини ошириш бўйича катта ишлар олиб бориляпти. Айни пайтда 1145 ишчи жойига эга бўлган 715 савдо тармоғи мева ва сабзавот маҳсулотлари билан савдо қилади.

Шу кунгача 18744 тоннадан зиёд картошка ва мева сотилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1825 тонна кўпдир. Йил охиригача 60000 тонна сабзавот маҳсулотлари, 43000 тонна картошка, 13000 тонна полиз экинлари маҳсулоти, 6150 тонна мева сотиш мўлжалланмоқда.

Бу муҳим вазифани шараф билан адо этиш учун конкрет тадбирлар белгиланяпти. Савдо шохобчалари бир мунча кўпаяди. Куз-қиш пайтида мева ва сабзавот маҳсулотларини сақлаш учун моддий-техника базаси тайёрланяпти ва бу даврда 57900 тонна картошка, 20700 тонна сабзавот, 1000 тонна полиз экинлари маҳсулоти, 4400 тонна мева, 500 тонна узум, 225 тонна анор, қайта ишланган сабзавот маҳсулотларидан 7000 тоннаси сақланади. Бу шаҳарликларнинг кундалик дастурхонига кўшиладиган муносиб ҳисса бўлади.

Партия ва ҳукуматимизнинг оталарча ғамхўрлигига кўп-минг сонли совет савдоси ходимлари элга манзур хизматлари билан жавоб берадилар, меҳнаткашларга янада яхши хизмат қиладилар, уларнинг кундалик талабларини тўла қондириш учун астойдил курашадилар.

**С. ОРИПОВ,**
**шаҳар савдо бошқармасининг бошлиғи.**

## КЕНГАШ ҲУЖЖАТЛАРИ—ОММАГА

Коммунистик ва ишчи партияларнинг халқаро форуми материалларини кенг меҳнаткашлар ўртасида пропаганда қилиш ишлари авж олдириб юборилди.

Пойтахтимизнинг бир гуруҳ халқаро шарҳловчи олимлари Ўрта Чирчиқ районининг меҳнаткашлари ҳузурида икки кун бўлиб қайтишди. Улар орасида Ўзбекистон Фанлар академияси қошидаги илмий информация бўлимининг бошлиғи, тарих фанлари кандидати Б. Маннонов, шарқшунослик институтининг катта илмий ходими, тарих фанлари кандидати М. Қутлиқов ва бошқа ўртоқлар бор. Олимлар сафар давомида «1-Оҳангарон» наслчилик совхози ва бошқа бир қатор хўжаликларида бўлиб, «Коммунистик ва ишчи партиялари Москва Кенгашининг халқаро ва тарихий аҳамияти», «Ҳозирги замонда коммунистик ва ишчи партиялари ҳаракати», «Жанубий-шарқий Осиёдаги ҳозирги аҳвол», «Яқин шарқдаги Исроил агрессияси оқибатлари», «СССР — ер юзида тинчлик, дўстлик ва ўзаро ҳамкорлик байроқдори», «КПСС Марказий Комитети Июнь Пленуми қарорларининг аҳамияти» деган темаларда қизиқарли, сермазмун лекциялар ўқидилар. Суҳбатлар ва савол-жавоб кечаларида актив қатнашиб, меҳнат аҳли ва маҳаллий зиёкорларга катта методик ёрдам кўрсатдилар.

### Ленинча меҳнат вахтасида

## Имкониятлардан фойдаланиб

**«Доҳий юбилейига муносиб армуғонлар тайёрлаймиз»— ўзбек трактор ясиғув заводи кўп минг кишилик коллективининг айни кундаги ахдн-паймони ана шундай.**

**Тракторсозлар беш йиллик тўртинчи йили топшириқларини шараф билан адо этиш учун курашиб, социалистик мусобақани кун сайин қизитмоқдалар. Буни ўтган ярим йиллик иш фаолияти якунларидан ҳам яққол кўриш мумкин. Корхона коллективи трактор тайёрлаш бўйича планни ва маҳсулотни реализация қилиш топшириғини 100,1 процент адо этди. Ялпи маҳсулот тайёрлаш топшириғи ҳам 100 процент бажарилди.**

Корхона коллективининг қўлга киритган бу зафарида 2-асбобсозлик цехи азаматларининг қўшган улуши катта бўлди. Улар ленинча меҳнат вахтасида туриб ишлаб, яхши кўрсаткичларни қўлга киритаётирлар. А. Сигачев билан В. Певнев ўртоқлар эса В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига ўз зиммаларига олган шахсий мажбуриятларини бажариш йўлида фидокорона меҳнат қилишаётир. Улар ўз сўзларининг устидан чиқишларига ишончларни комил. Чунки, Александр ҳам, Вячеслав ҳам эндиликда ўз касбининг ҳақиқий усталари бўлиб олишган. Бундан икки йил олдин А. Сигачевнинг қўлида ҳеч бир ҳунари йўқ эди. Эндиликда эса у 3-разрядли токарь-универсал. В. Певневнинг завод даргоҳига келганига ҳали унча кўп бўлгани йўқ. Бироқ, шундай бўлса-да, у коллектив ҳурматини қозона билди. У смена топшириқларини доимо 115—120 процентдан бажаряпти.

Ҳа, асбобсозлар ғайратга ғайрат қўшиб ишлаб, топшириқларини ошириб адо этиш, доҳий юбилейига муносиб армуғонлар тайёрлаш, завод шуҳратига шуҳрат қўшиш мақсадида ички имкониятларни ишга солиб, социалистик мусобақани кун сайин қизитмоқдалар.

◆ Фан янгиликлари

## ЎТМИШ ЖОНЛАНЯПТИ

Шу кунларда кўпгина жойларда қурилиш ишлари ниҳоятда авж олган. Баъзан экскаватор ковшлари ҳаракати ёки бульдозер қавшлари натижасида жуда ноёб топилмалар чиқиб қолади. Бу аждодлар тарихига оид топилмалардир.

### Бугун

Тўйтепа посёлкасида қурилиш ишлари давом этаётганда жуда қимматли уй-рўзғор буюмлари топилди. Топилган буюмлар дарҳол Ўзбекистон халқлари тарихи музейига келтирилди. Бу ноёб топилма VII-VIII асрлар маданиятига оид бўлган уй-рўзғор буюмлари эканлиги аниқланди. Яқинда бу топилмалар музей залларига қўйилади.



Ўзбекистон Фанлар академиясининг кибернетика институтида кенг кўламда илмий тадқиқот ишлари олиб бориляпти.

СУРАТДА: ҳисоблаш техникаси бўйича инженер М. Расулева электрон ҳисоблаш машиналари ишини бошқармоқда.

М. Нуриддинов фотолари.

**ОБ-ҲАВО БУГУН**

**кечаси 18-20, эртага кундузи 32-34 даража иссиқ бўлади.**

## ГАЗЕТАЛАРДА

◆ Л. И. Брежнев, Н. В. Подгорний ва А. Н. Косигин ўртоқлар Куба Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Куба Республикаси Революцион ҳукуматининг Бош министри ўртоқ Фидель Кастро Рус ва Куба Республикасининг Президенти ўртоқ Освальдо Дортикос Торрадога, миллий қўзғолон куни муносабати билан телеграмма юбордилар.

◆ СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин совет ҳукуматининг таклифига биноан, расмий визит билан Совет Иттифоқига меҳмон бўлиб келган Болгария Халқ Республикаси ташқи ишлар министри Н. Башевнинг 24 июль куни Кремлда қабул қилди.

◆ «Аполлон-11» космик кемасининг мисли сиз парвози, америкалик космонавтларнинг ойга қўниши ва ерга эсон-омон қайтиб келиши муносабати билан СССР Олий Совети Президиумининг раиси Н. В. Подгорний АҚШ Президенти Р. Никсонни самимий қутлаб, телеграмма юборди.

◆ Москвада СССР Министрлар Совети Ташқи иқтисодий алоқалар давлат комитетининг раиси С. А. Скачков бошчилигидаги Совет ҳукумат делегацияси билан саноат министри В. Лескинин бошчилигидаги Финландия ҳукумат делегацияси ўртасида олиб борилган музокаралар 17 июлдан 23 июлгача давом этди. Музокаралар амалий, дўстона вазиятда ўтди.

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ МЎЛ ОЛТИНИ

ЗАРАФШОН, 25 июль. (ЎзТАГ махсус мухбири Е. ЕФИМОВ).

Мурунтов металлургия заводида биринчи тилла ёмби ҳосил қилинди. Оқ кварц палахсаларининг қирраларида жилтираган зарра олтинлар вазмин, ялтироқ ёмбига айлантирилди. Ниҳоят, геологлар Қизилқумда узоқ юриб орзу қилган нарса рўёбга чиқди, уни деб Қизилқумда Зарафшон шаҳри қад кўтарди, тоғлар ва қумлар оша унга электр симлари тортилди, сув қувурлари ётқизилди.

Коммунистик партия XXIII съездининг қарори бажарилди. Неча асрлар ер бағрида ётган ҳазина эндиликда совет кишиларники бўлиб қолди. Мурунтов тилла кони лойиҳадаги қувватига эришди. Олтин қазиб олувчи завод ишга туширилиши билан жаҳонда олтин қазиб чиқарувчи катта кон металлургия комплекси яратилди.

Бу воқеа геологлар, қурувчилар, кончилар, металлурглар — хуллас ўз меҳнати, ўз ижодини чўлни забт этишга бағишлаган ҳамма кишиларнинг байрами бўлиб қолди. Улар бугун бундан 800 кун аввал қақраб ётган биринчи тош қийилиб авлодларга номи «абадийлаштирилган» жойнинг ўзига йиғилишди. Орадан икки йилдан сал кўпроқ вақт ўтгач, бинокорлар берган ваъдаларининг устидан чиқдилар. Бугун бу ерда жуда катта корпус қад кўтариб турибди.

Пештоқларга: «КПССга шон-шарафлар», «Совет халқига шон-шарафлар» деган сўзлар ёзиб қўйилган. 40 метрли гумбаз остида Владимир Ильичнинг силуэти турибди. Митинг қатнашчиларининг дастлабки сўзлари партияга, Ленинга қаратилди. Улар КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати, Ўзбекистоннинг партия ва совет ташкилотлари улкан қурилишга кўрсатган жуда катта ёрдам тўғрисида гапирдилар.

Ҳар бир кишининг нутқи инсоннинг қаттиқ табиат устидан қозонган ғалабаси ҳақида, коммунизм идеялари билан руҳланган матонатли кишиларнинг, ёркин қисматлари тўғрисида ҳикоя қилувчи шонли солномаанинг саҳифаларига ўхшарди.

Қувур ташувчи машина шофёри Иван Бойко, экскаватор машинисти Жураб Бижелов, қурилиш бошқармаларининг раҳбарлари Виктор Лебёткин, Олег Пашченко ўз ютуқларини катта коллективнинг қаҳрамонона меҳнатига бағишладилар.

Томди район партия комитетининг секретари Содиқ Пирманов мазкур қурилиш Қизилқумнинг катта-катта жойларини ўзгартиришга яхши таъсир кўрсатганлиги ҳақида гапирди.

Митингда КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Йиғилганларнинг гулдурос қарсаклари остида давлат ҳазинасига биринчи бадал тутқизилади-минбар ўзра кўтарилган тилла ёмбига «Мурунтов олтини, 1969 йил 25 июлда қуйилган, пробаси-99, 99 ва вазни 11 килограмм 820 грамм», деган сўзлар зарб қилинган.

Ҳазинага шу таҳлитда топшириладиган тилла беҳисоб кондан тобора кўпроқ қазиб олинмоқда. КПСС Марказий Комитети номига баланд руҳ билан қабул қилинган мактубда ҳам шу ҳақда гапирилган. Қурувчилар ва металлурглар она-ватан равнақи учун, коммунизм таптанаси учун қўшадиган ҳиссаларини кўпайтиришга тайёрмиз, деб жонажон партияни ишонтирдилар.

Митингда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Р. Қурбонов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин қатнашдилар.

...Тилла қазиб чиқарувчи комплекс ишга тушди. Қизилқумнинг олтин тарихи эса давом эттирилмоқда. Мурунтов олтин кони кенгайтирила бошланди, яна бир металлургия заводи пойдеворига тош қўйилди.

◆ Беш кунлик ва дам олиш

## ГЎЗАЛ ЖОЙЛАРГА

Беш кун меҳнат қилгандан кейин икки кун дам олиш қандай мазза-а? Ҳозир, айниқса саратон кунларида кишининг баҳри-дилини очувчи хушманзара даргё бўйларига, тоғ бағрларига, боғларга бориб, ўртоқларинг билан дам олсанг, чақчақлашсанг барча чарчоғинг чиқиб кетади!

Ҳа, шу кунларда шаҳардан ташқарига, айниқса Самарқанд, Бухоро, Андижон ва Фарғонага бориб, дам олиб келувчилар жуда кўп. «Тошкент транспорт агентлиги» дам олувчиларнинг талабларини бажонидил бажаряпти. Ўтган чафта дам олиш кунларида «Гидрометприбор» заводининг ишчилари Бўстонликка, 3-қурилиш бошқармаси қурувчилари Қайрақумга, Свердловск қурилиш поездининг қурувчилари, Марказий Статистика бошқармасининг ходимлари, 1-пойафзал фабрикаси ишчилари, «Юлдуз» фирмасининг тикувчилари қадимий ва навқирон Самарқандга, Электротехника заводининг ишчилари эса Янгийўлдаги «Зангори кўл»га бориб кўнгилли ором олиб қайтишдилар.

### Бугун

**шаҳарнинг кўпгина корхоналари ишчилари гуруҳ-гуруҳ кўркам жойларда дам олиш учун жўнаб кетди. Улар орасида Марказий телеграф ходимлари, «Ташсельмаш» машинасозлари «Ташгипрогор» меъморлари ва бошқалар бор.**

## БЎСТОНЛИҚ ЧОРЛАЙДИ

«Главташкентстрой»га қарашли 7-қурилиш трестининг 37 ва 40 қурилиш бошқармаларининг бир группа бинокорлари шанба ва якшанба кунлари кўнгилли ҳордиқ чиқариш учун Бўстонлиқ районига жўнаб кетишди.

Трест касаба союз ташкилоти уюштирган бу сафарга илғор ишчилардан Т. Керсапова, Е. Насал ва бош механик С. Пак раҳбарлик қилмоқда.

Шунингдек, келгусида қурувчиларнинг Тошкент атрофи ҳамда Самарқанд шаҳрига бориши ҳам мўлжалланяпти.

## «ТОШКЕНТ ДЕНГИЗИ»ГА

Кўнгилли ҳордиқ — унумли меҳнат гарови! «Ташавтомаш» заводи ишчилар комитети ва комсомол комитети билан ҳамкорликда ишчи ва хизматчиларнинг маданий дам олишига алоҳида эътибор беришмоқда. Июль ойи бошидан буён 530 га яқин ишчи-хизматчи Тошкент денгизи, Сирдарё ва Чирчиқ дарёлари бўйи, Бўстонлиқ сўлим жойларида кўнгилли ҳордиқ чиқариб қайтишди.

### Бугун

500 ишчи-хизматчи мириқиб дам олиш учун Тошкент денгизига жўнаб кетди.



«Ташспецстрой» қурилиш бошқармасининг қурувчилари Черданцев массивининг марказида кўпгина 9 қаватли турар жой биноларини тез-корлик билан бунёд этмоқдалар.

СУРАТДА: 9 қаватли бинно қурилишида намунали меҳнат қилаётган зарбдор комплекс бригада бинокорларидан бригада бошлиғи В. Михалнин ва пайвандчи С. Капилов ўртоқлар.

**БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК, САВДО ХОДИМЛАРИ**



# МАҚСАДИМИЗ — ЭЛГА ХИЗМАТ

**Бизнинг интервью**

Районимизда аҳоли хизматн учун юздан ортиқ озиқ-овқат магазини ва 50 га яқин махсуслаштирилган саб завот ва полиз эҳинлари маҳсулотлари билан савдо қилувчи дўконлар ишлаб турибди,—деди мухбиримизга **Октябрь район озиқ-овқат савдоси идораси директорининг ўринбосари Аҳмаджон Содиқов.**— Шаҳримиз аҳолисини сабзавот ва полиз маҳсулотлари билан таъминлашда яхши натижаларни қўлга киритмоқдамиз.

Полизлардан янги узилган бодринглар, пиёз, картошка, сабзи, помидорлар колхоз машиналарида тезлик билан магазинларга тарқатилмоқда. Бу маҳсулотларни ўз вақтида етказиб беришда янги прогрессив усуллдан фойдаланилмоқда. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тўғридан-тўғри экин майдонларидан магазинларга етказилиб берилмоқда. Бу тадбирларни амалга оширишда Навоий номли колхознинг азамат деҳқонлари, ғенерал Собир Раҳимов номли колхознинг қўли гул деҳқонлари, «Ленин йўли» колхозининг азаматлари ва Калинин районидаги кўпгина колхозлар яқиндан ёрдам бермоқда. Уларнинг бу ғамхўрликлари туфайли аҳолини сабзавот ва полиз маҳсулотлари билан ўз вақтида таъминламоқдамиз.

Иккинчи кварталда «Райпишчеторг» аҳолига пландаги 760 тонна сабзавот ва полиз маҳсулотлар ўрнига 998,8 тонна маҳсулот сотди. Жумладан: пландаги 257 тонна ўрнига 498,3 тонна пиёз, 28 тонна ўрнига 60 тонна сабзи, 60 тонна ўрнига 75 тонна бодринг сотилди. Шу ойнинг ўзида аҳил коллективимиз шаҳар аҳолисига 252 тонна ўрнига 366 тонна, картошка, 58 тонна ўрнига 158,2 тонна пиёз ва чеснок сотилди. Умуман бугунги кунгача пландаги 532 тонна ўрнига 560 тонна сабзавот сотилди.

Маҳсулотларни ғенг аҳоли истеъмолига етказиб беришда магазинлараро социалистик мусобақа уюштирганмиз. Коммунист Ҳайрулла Саъдуллаев бошлиқ 48-магазин коллективи бу мусобақада илғорликни қўлдан бермаётир. Бу магазин товароборот планини бажаришда яхши натижаларга эришди. Ярим йиллик давлат план товароборотн 852 минг ўрнига 906 минг бажарилди. Яъни пландагига нисбатан 107 процент маҳсулот савдо қилинди. Бундай магазинлар райпишчеторгимизда ўнлаб топилади. Ғенсор бошлиқ 108-магазин, коммунист О. Ҳакимов бошлиқ 45-магазин ва С. Орипов бошлиқ 24-магазинлар шулар жумласидандир. Улар ҳар доим планни ортиғи билан бажаришади. Бу ларнинг меҳнати райпишчеторгнинг мақтов қоғозлари билан бир неча марта тақдирланган. Бизнинг мақсадимиз аҳлга ҳалол хизмат қилиш. эҳни барча маҳсулотлар билан ўз вақтида таъминлаб туришдир.

Коллективимиз савдоходимлари байрамини ана шундай ютуқларни қўлга киритиш билан кутиб олмоқда.



Суратларда: 48-магазин қошидаг и сабзавот ва полиз маҳсулотлари билан савдо қилувчи магазин (юқор ида) ва мана шу магазин сотувчиси Адҳам Қўчқоров харидорлар билан. М. Нурмддинов фотоси.

●Ленинча меҳнат вахтасида

# САМАРАЛИ ИШЛАР

ССР нефть ва нефть хмияси саноати министрлигига қарашли Тошкент резина-техника буюмлари заводи цехларида ишлаб чиқарилаётган турли-туман ассортиментдаги резина-техника буюмларини Ўрта Осиё республикаларидан ташқари Россия Федерацияси, Украина, Кавказ республикалари саноат корхоналарида учратиш мумкин.

Пахта териш машиналари учун резина деталлари, кабель саноатида ишлатиладиган махсус резина буюмлари, консерва банкалари учун резина халқачалар, уй деворларига осиладиган вискоза материалидан тайёрланаётган ранг-баранг гиламчалар, болалар ўйинчоқлари сингари жуда кўп хилдаги резина буюмларн шу завод маркаси билан жўнатилмоқда.

Ҳамиша изланиш, янгилик бунёд этиш учун курашаётган завод коллективи яқинда эски яроқсиз ҳолга келган автопокришкалардан янгиларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириб, катта самарали иш қилди.

Завод ишчилари шу кунларда ленинча меҳнат вахтасида туриб социалистик мусобақани кун сайин қизитаётир.

Ҳа, ҳамманинг фикри-хаёли ленинча беш йиллик топшириқларини муддатидан олдин бажариш, улуғ доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига муносиб туҳфа ҳозирлаш билан банд.

Беш йилликнинг учинчи йилида беш ярим миллион сўмлик резина-техника буюмлари ишлаб чиқариб, давлат план топшириқларини ошириб адо этган завод коллективи министрлик ва иттифоқ нефть хмияси саноати касаба союзлари марказий комитетининг кўчма қизил байроғи ва пул мукофоти билан тақдирланган эди.

Совет Иттифоқидаги ана шундай корхоналарнинг пешқадами, байроқдори ҳисобланган завод коллективи 1969 йилни ҳам яхши натижалар билан якунлашга қарор қилган.

Ярим йиллик план бажарилиши билан 433 минг сўм фойда кўрилди. Завод цехларида фидокорона меҳнат қилаётган 620 ишчидан 502 таси ленинча меҳнат вахтасида туриб ишламоқда. 16 бригада коммунистик меҳнат бригадаси деган шарафли ном учун курашмоқда. Цехлараро социалистик мусобақа ярим йиллик якунлари ҳам чакки бўлмади. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планн анча ошириб адо этилди. Маҳсулотни реализация қилиш планн 102 процентдан ошди. 89 ишчига коммунистик меҳнат зарбдори деган шарафли ном берилди. Коммунистик меҳнат зарбдори деган унвонга лойиқ топилганлардан 15 киши коммунист ва комсомоллар, 65 киши хотин-қизларни ташкил этади. Булар орасида вальцовкачи У. Носиров, аппаратчн О. Пўлатова, кесувчи С. Хонтемирова сингари беш йиллик шахсий топшириқларини 1970 йил 22 апрелгача бажариш учун курашаётганлар бор.

Заводда янгилик ижодкорлари кун сайин кўпайиб боряпти. Ўтган олти ой мобайнида ихтирочилардан тушган 24 таклифдан 22 таси ишлаб чиқаришга жорий этилди. Бу таклифлар йилига 27906 сўм фойда келтиради. Йил охиригача яна 35 таклифни ишлаб чиқаришга жорий этиб, йиллик фойда камида 50 минг сўмга етказилади. Бу В. И. Ленининг 100 йиллик тўйига завод ихтирочилари ва рационализаторларининг тўҳнаси бўлади.

Завод ишчи-хизматчи ва инженер-техник ходимлари беш йилликнинг тўртинчи йили топшириқларини шараф билан адо этиш ва Ленин юбилейига муносиб тўҳналар тайёрлаш мақсадида социалистик мусобақани кун сайин қизитмоқдалар.

**Т. НАЖМИЙ,**
заводнинг собиқ ветеран ишчиси, шахсий пенсионер.

*1-автопарк партия ташкилотида*

## *Қарор қабул қилинди*

**Шу кунларда ижодкор совет кишилари прогрессив инсоният билан биргаликда коммунистик ва ишчи партияларнинг Москвада бўлиб ўтган халқаро Кенгаши ҳужжатларини зўр қизиқиш билан ўрганмоқдалар.**

**Куни кеча ана шундай йиғилишлардан бири биринчи автопарқда бўлиб ўтди. Автопарк коммунистлари, комсомолларн ва бошқа партиясиз активлари иштирок этган бу анжуманда район «Билим» жамиятининг аъзоси, методист А. Колисниченко қизиқарли доклад қилди.**

**Кенгаш ҳужжатларида олға сурилган фикрларни яқдилдик билан маъқулланган йиғилиш қатнашчилари беш йилликнинг тўртинчи йилида ўз зиммаларига олган топшириқларни муддатидан олдин бажариш, тобора яқинлашиб келаётган доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги юбилейини муносиб кутиб олиш юзасидан қарор қабул қилдилар.**

## *КПСС сафига*

**Автопарк бошланғич партия ташкилоти илғор, жамоат ишида актив иштирок этаётган кишилар ҳисобига коммунистлар сафини тўлдириб боришга катта эътибор бермоқда.**

**Ишчи-хизматчилар ўртасида фидокорона меҳнати билан обрў-эътибор қозонган ўнга яқин киши шонли КПСС сафига қабул қилинди.**



Кун иссиғида Чилонзорнинг 26-кварталида. С. Безносов фотоси.

●Қишга тайёрмисиз?

# Энг муҳими — йўл

Ўтган йилги қиш шаҳримиздаги йўл ва майдонларнинг асфальтини маълум даражада ишдан чиқарди. Ҳисобларга кўра, 100 дан ортиқ кўчанинг асфальти бутунлай яроқсиз ҳолга келди. 160 та кўчанинг асфальти қисман ишдан чиқди. 85 минг квадрат метрга яқин йўлкани қайтадан тиклаш керак эди. Бу ҳол қорлар эриб кетганидан кейин апрель ва май ойларида маълум бўлди. Йўллар асфальтининг бузилиши пассажир автобуслари ва троллейбусларининг шаҳар кўчаларида график бўйича қатновига ҳалақит берди.

Шошилинч чоралар кўрилди. Ишдан чиққан йўлларни қайтадан тиклаш учун шаҳар Ободончилик бош бошқармасининг ихтиёрида бўлган модий базалар турли йўл ишлари учун мослаштирилган механизмлар зудлик билан ишга солинди.

Шаҳар партия комитети ва меҳнаткашлар депутатлари шаҳар совети йўлларни тезкорлик билан тузатиш тадбирларини белгилади. Йўлларни тартибга келтириш бўйича СССР транспорт қурилиш, автомобиль, тош йўллари министрликларига «Главташкентстрой» ва бошқа ташкилотларга мурожаат қилинди. Бу ташкилотлар транспорт йўлларини қайтадан тиклаш бўйича тинимсиз меҳнат қилдилар. Унумли иш олиб бордилар.

Кўрилган шошилинч тадбирлар натижасида шаҳар кўчалари тартибга тушди. Транспортларнинг график бўйича нормаль қатнашига шароит яратилди.

Шунингдек, эски йўлларни қайта тиклаш ва янгиларини қуриш бўйича ҳам план асосида иш олиб бориляпти.

Шаҳардаги Лоҳутий, Тарас Шевченко, Волгоград, Комсомол 40 йиллиги, Черданцев, Шаҳризод, Ж. Обидова, Қатортол, Дўмбробод, Муқимий каби кўчалар тикланди. Бу кўчаларнинг кўпчилик қисми янгидан қурилди. 56 кўчага қайтадан асфальт ётказилди ва капитал ремонт қилинди.

Тошкентни қайта қуриш натижасида ер остига кўмиладиган водопровод, газ иссиқлик етказгич қувурлари ва телефон кабелларини ҳам қайтадан қуришга тўғри келди. Бу ишларда кўпгина ташкилотлар самарали иш олиб борди.

Аммо кўпчиликнинг бу меҳнати ҳамиша ҳам қадрланаётгани йўқ. Шаҳар газ-монтаж бошқармаси (бошлиғи Аванесов) 5-қурилиш трестининг 3-қурилиш бошқармаси (участка бошлиғи Панарин), шаҳар «Водоканал» трести, «Энергосантехмонтаж» каби ташкилотлар йўлларни бузишга бузадилару, тузатишга келганда қораларини кўрсатмай кетадилар.

Бундай йўлбузарларга нисбатан муросасиз бўлиш керак. Улар жамоатчилик фойдаланадиган йўл ва йўлкаларни дарҳол ўз вақтида илгариги ҳолига келтириб қўйишлари лозим.

Шаҳарнинг кўзга кўринарли ерида Ленин хиёбони қад кўтаряпти. У Сапёрлар кўчаси, София проспекти, ғарб томондан ҳозирги Самарқанд кўчаси, шарқ томонда эса Ленин кўчаси билан бирлашади. Хиёбон йигирма гектар ернинг ўз ичига олади. Ленин хиёбонининг ғарбий томонида Жасорат монументи қурилади. Пионерлар саройи хиёбонида «Совет ҳокимиятининг 50 йиллиги» обелиски ўрнатилади.

«Победа» маданият ва истироҳат боғидан Бўзсув каналигача ва Навоий кўчасигача бўлган катта йўл ободонлаштирилади. Лоҳутий ва Самарқанд кўчалари ўртасида Титов кўчаси барпо бўлади. Ленин хиёбонига ва Титов кўчасига цемент-бетон мосламалари тўшалади.

Бу ердаги ободонлаштириш ишларини «Главташкентстрой» пудратчи ташкилотлари, шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси, «Ташкентдорстрой»нинг 7-кўприк қурилиш трести. Москвадаги бадиий қуйилмалар заводи коллективи ва бошқа ташкилотлар рўёбга чиқаришяпти.

**А. РАСУЛЕВ,**
шаҳар Ободончилик бош бошқармаси йўл бўлимининг катта инженери.

●Редакцияга хат

## *СУВДАН БАҲРАМАНД БЎЛАМИЗМИ?*

Шаҳримиз ариқларидан шилдираб сув оқиши ҳар бир инсоннинг кўнглини очиб, дилига ором бахш этади.

Негадир Октябрь район сув хўжалиги бўлимининг бошлиғи О. Шарипов бундай муҳим масалага бепарво бўлиб келмоқда.

60—70 йилдан бери оқиб турган Калковуз сувининг Ҳамза кўчаси томонига келадиган тармоғи 1965 йилдан бошлаб тўхтаб қолди. Натижада, ариқлар ёпилди.

Шаҳар ободонлаштириш бош бошқармаси ариқларни очиш, сув беришни талаб қилиб икки йил кутдик, бўлмади.

1967 йилнинг июлида шикоят билан чиққанимизда шаҳар ободонлаштириш бош бошқармаси раҳбарларни икки кун орасида ариқларни очиш ва сув билан таъминлашлари тўғрисида ваъда беришди.

Мана ўша қуруқ ваъдага ҳам 2 йилдан ошди, лекин бирон иш қилингани йўқ.

**А. ОДИЛОВ,**
**шахсий пенсионер,**
**Октябрь районидаги Фрунзе номли маҳалла комитети раисининг муовини.**

●Диққат, янгилик!

## ФАРҲОД КЎЧАСИДА ЯРМАРКА

Аҳолига маданий хизмат кўрсатиш, уларнинг талабини янада тўла қондириш шу кунниинг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолди. Тошкент шаҳар ижроия қомитетининг Савдо бошқармаси куни кеча Г-9 «А» кварталидаги Фарҳод кўчасида доимий ишловчи ярмарка очди. Шаҳар Савдо бошқармасига қарашли ҳамма ташкилотлар иштирок этмоқда.

Ярмаркада «Ташпромторг» «Ташобуторг» «Ташхозкультторг» «Таштекстильшвейторг» каби бир неча савдо ташкилотлари турли гул ва бўёқдаги замонавий газламалар, ҳар хил размер ва фасондаги пойафзаллар, кийим-кечаклар, мева-сабзавотлар, озиқ-овқатлар билан савдо қилмоқда.

**Ю. ЗИЁЕВ.**

1970 ЙИЛДА БОЛАЛАР УЧУН КИТОБЛАР

РСФСР Министрлар Совети ҳузуридаги матбуот комитети «Детская литература» нашриётининг 1970 йил учун тузган планини тасдиқлади. В. И. Ленин, коммунистик партия тўғрисидаги китоблар, меҳнат ва ҳарбий-ватанпар в а р лик мавзуидаги асарлар пландан асосий ўринни олди. Баъзи нашрлар туҳфа қилишга мўлжалланиб чиройли қилиб безатилади.


«Мамлакат бўйлаб борганингда» туркумидаги китобчаларда совет ҳалқларининг қардошлиги ва дўстлиги мавзулари ёритилади, бу китобчалар ёш китобхонларни иттифоқдош ва автоном республикалар билан таништиради. Болалар ва ўспиринлар учун бадиий публицистика китоблари кўпроқ нашр этилади. Капитализмнинг иллатларини ва ёвузликларини фош қилувчи бир қанча асарлар нашрга тайёрланмоқда.

Нашриёт КПСС Марказий Комитетининг «Совет болалар адабиётининг янада ривожлантириш чоралари тўғрисида» ги қарорини бажариб. мактабгача ва кичик мактаб ёшидаги болалар учун китоблар чиқаришни кўпайтиришни мўлжаллаб қўйди.

(ТАСС).

●Пешқадам бинокорлар

# Бригадир



Янги қурилишларда. Р. Бибишев фотоси.

Баланд бўйли, юзлари қўёш тафтидан қорайган йигит объект томон шаҳдам қадам ташлаб келяпти.

—Қаранглар, қаранглар, — деб қолди қурувчилардан кимдир. Бинокорлар қурилиш участкасига келадиган катта йўлга қаради.

— Бригадиримиз, ҳов Йўлдош ака.

Бригадир қадамини яна илдамлатди. Ҳамкасблари томон яқинлашган сари унинг юзлари ҳаяжондан ловлов ёнар эди.

Йўлдош Абдуллаевнинг олдига биринчи бўлиб бош прораб Сотлижон Ғофуров пешвоз чиқди.

— Орден муборак, дўстим, орден муборак!

Икки дўст қучоқлашиб кўришишди. Бир зумда Йўлдошнинг атрофини бунёдкорлар қуршаб олишди. Чекка-чеккадан айтилаётган самимий сўзлар ва ҳурматларга бригадир қисқа, аммо бутун қалби билан раҳмат раҳмат, дўстларим, деб жавоб берар эди.

...Шу бугун иш чинакам қизиди. Дам қоришма, дам ғишт етказиб беришда кран бошқарувчи Маҳмуд Узоқов ҳам шошиб қолди. Пешма-пеш келаётган ғиштлар бино пойдеворига садафдек териляпти. Бригадирнинг ҳам тинчи йўқ. Қоришмаларни тўкишга ёрдамлашади, ёш шогирдларнинг ғишт теришини синчиклайди, монтажчи ва дурадгорларга кўрсатмалар беради, машиналарда келаётган ғиштларни қабул қилиб олади. Хуллас пешинга қадар 6 мингга яқин ғишт терилиб бинони бирмунча кўтариб қўйди.

Айни кунларда янги 14-кварталдаги 4 қаватли 72 квартирали турар-жой биноси қурилишида Йўлдош Абдуллаев раҳбарлигидаги коплекс бригада ана шундай ишламоқда.

У — 159-трест 13-қурилиши бошқармасининг пешқадам бригадири. Унинг қўл остида Тошканбой Қурбонов. Салим Ҳасанов, Бўри Муҳамедов каби коммунистик меҳнат зарбдорлари тер тўкишади.

Абдуллаев турли миллат вакилларидан ташкил топган бунёдкорларни қисқа вақт ичида бир бутун оилага жипслаштирди. Бригада аъзоларининг барчаси бир-бири билан аҳил ва иноқ. Бригадир улар билан иш юзасидан маслаҳатлашади, оиланий масалалар ҳақида самимий суҳбатлар ўтказади.

Бригададаги барча қурувчилар ўз билимларини тинмай ошириб бормоқдалар. Кундалик иш нормаларини зиёдаси билан адо этиб келаётган Ҳайитбой Машрапов, Саид Габдиев, Анвар Халилов, Тўра Жўраев ва бошқалар олий ўқув юртлари ва техникумларда таҳсил кўришади.

Йўлдош Абдуллаев бошлиқ бригада аъзолари орасида доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига ўзаро социалистик мусобақалар қизғин боряпти. Ойлик ва квартал иш якунлари ҳам зиёда. Шунинг учун ҳам унинг қўл остидаги 50 та қурувчи трестга ёруғ юз билан боқиб келади.

Ўтган ҳафта трест қурувчилари орасига шодиёна хушхабар тарқалди. Партия ва ҳукуматимиз сергайрат коммунист Йўлдош Абдуллаевни Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотлади.

**Ф. АБДУРАҲИМОВ.**



Тошкент Урта Осиёдаги биринчи трактор заводининг биноси «Ташавтомаш» заводига кўшни майдонда қад кўтаряпти. Бу завод бир йилда «Т—28х4» маркали 24 мингта трактор ишлаб чиқаради.

Биринчи ўзбек тракторлари В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигида, беш йилликнинг охирги йилида завод дарвозаларидан яшил далалар бўйлаб йўл олади.

Сиз суратда кўриб турган йигит Тошкент трактори заводи қурилишида пайвандчи бўлиб ишлайди. Пешқадам пайвандчи Филипп Ямасов ўз меҳнати билан қурилишдаги ўртоқларига ўрнак бўлаётир.

М. Баржанов фотоси. (ЎзТАГ).

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ДА БОСИЛГАНДАН КЕЙИН

## *«Ишчилар истаги»*

**Шундай сарлавҳа билан газетанинг 5 июнь сонида босилган материалда 2-Сариқўл кўчасида очилган киоска узоқ муддат ишламаётгани танқид қилинган эди.**

**«Союзпечат»нинг Тошкент шаҳар дирекциясидан олинган жавобда кўрсатилишича, бу масала эътиборга олинган. Ҳозир киоска нормал ишлаяпти.**




## ДОНОЛАР БИСОТИДАН

Агар жоҳил айтишувда сендан ғолиб чиқса, бунга ажабланма, зеро тош ҳам гавҳарни синдира олади.

**Муслиҳиддин САЪДИЙ.**

Сиримни душман билмасин десанг, уни дўстингдан пинҳон тут!

Бошингни ўйла-ю, сир сақлашни бил!

**Носир ХИСРОВ.**

Сирим ошкор бўлмасин десанг, яқин дўстингдан ҳам уни яшир, чунки яқин дўстингнинг ҳам яқин дўстлари бор.

Мол-дунё умрингнинг асосийталиги учундир, зинҳор умр мол-дунё тўплаш учун эмас.

**Муслиҳиддин САЪДИЙ,**

Тирикчилик аччиқ-чучукларини татиб кўрмаган кимса, бошқалар бошидан кечираётган аччиқ-чучуклардан сабоқ олсин.

**Абдураҳмон ЖОМИЙ.**

*Диққат, янгилик!*

# Таксида визит карточкаси

**«Москва — Тошкент» ҳаво лайнери Москвадан кечаси йўл олди. Жонажон Тошкентга тонг отар-соат тўртларда етиб келиш лозим эди. Мен учиб келар эканман, шаҳарнинг осуда уйқудалиги пайтида тушишим ва икки-уч соат аэропортда қолиб кетарман, деб ўйлардим.**

**Бироқ, кутилмаганда, борт кузатувчи шундай яхши хушхабар эълон қилдики, ҳурсанд бўлганимиздан пассажирлар ҳам-мамиз ёқамизни ушлаб қолдик.**

**Ҳа, сиз ажабланяпсиз. Ҳудди шундай: 417 рейс билан келаётган бу ҳаво лайнери пассажирлари, борт кузатувчига ўзларининг адресларини маълум қилиб, осмонда туриб ўзларига такси заказ қилиши мумкин эди.**

**Самолёт тун чироқлари порлаб ётган аэропортга оҳиста қўнди. Мана жонажон шаҳарга ҳам етиб келдик. Чемадонларимизни олиб, аэропорт майдонига чиқишимиз билан бизни махсус визит карточкали таксилар кутиб турарди. Шу куни кечаси 20 такси барча пассажирларни ўз уйларига, меҳмонхоналарга олиб бориб қўйди.**

**Тошкент такси-матор маъмурияти аҳолига ниҳоятда қулай бўлган ташаббусни бошлабди. Бу жуда яхши. Дарвоқе, шаҳар аэропортига мамлакатнинг турли бурчакларидан сутканинг барча вақтида юзлаб меҳмонлар, туристлар келиб туради. Уларни очиқ чеҳра, самимият билан кутиб олишда таксичиларнинг роли катта, албатта. Айниқса, ярим тунда уларнинг хизмати ниҳоятда қадрли ва шарафлидир. Бу эса такси-матор коллективининг ҳамшаҳарларимиз ва меҳмонларга қилаётган ғамхўрлигининг катта намунасидир.**

**Сиз эл хизматкорларига катта раҳмат!**

**Э. В. ЦАТУРЬЯН,**
**Тошкент Давлат университети кутубхонасининг ходими.**



**Анатолий РИБАКОВ.**

# Гипноз

**ҲАЖВИЯ**

Чекишни бир неча бор ташлагандим. Аммо барибир яна чека бошлайман. Чекмаслик тўғрисида консультация берувчилар мени гипнозчига учрашимни маслаҳат беришди.

Гипнозни фан сифатида инкор қилмайман. Бироқ бир вақтлар гипноз ҳақида кўрган фильм менда жуда ёмон таассурот қолдирганди. Битта калта пиджакли киши бармоқларини ўйнатган ҳолда бир зумдаёқ соппа-соғ кишиларни тентак қилиб қўйган эди.

Гипноз иродани қўлга олаолармикан? Кишига сальбий таъсир кўрсатмасмикан? Шу саволларни ўзимга берардим!

Консультантларнинг таъкидлашича, гипноз киши иродасини мустаҳкамлар эмиш. Мен циркдаги кўз бойлоғичига, врачга, яъни прогрессив кишига эмас, гипнозлик эсидан кўтарилган кишига ўзимни кўрсатмоқчиман. Гипнозчи — аёл киши.

— Бу албатта, фойда беради,—дейишди консультантлар.

Белгиланган куни бир пайтлар меҳмонхона вазифасини ўтаган Сольянкадаги уйга келдим.

Мен кирган хонада шак-шубҳасиз аёл киши истиқомат қиларди: бир стулнинг суянчигида кўйлак, иккинчисида эса, пайпоқлар осиглиқ турарди. Диванниинг олдида турли пойафзаллар қалашиб ётибди.

Албатта, ёш, баъмани кишилар ҳам ҳамиша озода бўлавермайдилар. Гоҳо иш билан банд бўлиб қолиши ҳам мумкин ахир!

Диванда ҳар томонга учи чиққан пўлат симлар тўқимаси букчайганича турарди. Уйда деярли бирорта ҳам китоб йўқ эди.

Бироз вақт ўтгандан кейин эшик очилиб хонага тўладан келган, эллик ёшлар чамасидаги, содда, жиддий юзли, бир қўлида қалпайган сумка, иккинчи қўлида эса, беўхшов нарсаларни кўтариб олган аёл кириб келди. Ҳудди бу аёл навбатда туриб у бу олган-у, бу ерга келгунча ҳаллослаб қолган эди... Бу аёл гипнозчи — Мария Григорьевнанинг ўзи экан.

— Ҳа, ҳа,— кулди у. Қўлларидаги нарсаларни стол устига қўяр экан,— сиз мени кутяпсизми... Шунақа одам кўпки, бу атрофда. Ахир, мен тухум учун навбатга туриб, ниҳоят бу ёққа югурдим. Қани энди кутиб турган вақт бўлса? Ҳали тухум ололмадим. Сизни Семён Яковлевич юборгандир-а? Биламан, биламан... Фақат, яъни тезда югуриш керак эди. Бунинг учун сиз чекишни ташланг, ие ҳали ҳам чекиб юрибсизми? Бу зарарли. сизнинг соғлиғингизни ишдан чиқаради. Ҳар куни қўроз кичқирмасдан йўталаси, бунинг устига қўшниларга уйқу бермайсиз...

У менга қарамасдан сумкасини очди.

Ҳамма нарса тушунарли бўлиб қолди. Мен жилмайганча сўрадим:

— Сиз менинг чекишни тамоман ташлаб кета олишимга ишонасизми?

— Албатта. Ҳамма чекишни ташлай олади. Сиз билан гаплашиб қўйиш керак, аммо вақт бўлмаяпти-да... Бу ерда кўп гаплашиб ўтиришга ҳожат ҳам йўқ! Чекиб, тутунга бурканиб ўтириш кераксиз эканлиги ҳаммага тушунарли-ку, ахир. Папирос ёки сигарета чекиш зарарли. Сиз ҳали кек сайганингиз йўқ, яшашингиз керак. Ҳа, шунинг учун чекишни ташланг. Борди-ю, чекишни ташламасангиз телефон қиларсиз, менга. Сўнгра нима қилиш кераклиги ҳақида ўйлаб кўрарман...

Ниҳоят ҳамма нарсаларини стол устига олиб қўйди, сўнгра кийим-бошларини қоқди.

Мен масхарамозмуз жилмайдим:

— Тушунарли. Маслаҳатингиз учун сизга...

— Ҳа... Арзимаган нарса. Эллик сўмгина бўлса бўлгани...

У ҳудди бу эллик сўмга эътибор бермаётгандай эди.

Эллик сўм! Буни кутмагандим ҳеч.

Дарвоқе, аёл киши билан савдолашиб ўтиришни эп кўрмадим ўзимга. Ахир, уни тавсия қилган кишиларга қандай юз билан қарайман!

Мен стол устига эллик сўмни қўйдим-у, таъзим қилганимча хонадан чиқа бошладим.

— Шундай қилиб, телефон қилинг, азизим, — деди гипнозчи аёл орқамдан мени кузатиб қолар экан.

Телефон қилармишман. Ҳа, телефон қиламан! Фақат унга эмас. Эҳ, сенларнимми, консультантлар... Бироқ мен кулгига қолмадиммикан дея қўрқаман...

Сольянкадаги уйдан қанчалик узоқлашсам, шунчалик хафа бўлардим... Жин урсинлар! Қўтир, кал!..

Жирингланган телефон трубкасини кўтардим. Ҳозир гипнознинг нима эканлигини кўрсатиб қўяман сенга!

Шу пайт қўлларим сигарета қутиси томон яқинлашди-ю... Аммо, етмади...

Эллик сўм пул ҳаёлимни эгаллаб, қўлларим осилиб қолган эди. Мана, чекишнинг жазоси. Мен бир пачкасини олдимга олиб қўйиб, ҳаёлга толдим... Эллик сўм!.. Бироқ, пайти келганда бундан ҳам кўп маблағ йўқотамиз... Ҳа, шундай бўлса ҳам...

Ана шундан бери папирос чекмайман. Ахир...

Русчадан **К. Норматов** таржимаси.

● Кунлардан бир кун...

## ФОЙДАСИ ҲАМ БОР

Менделеев насиҳатгўйликни ёқтирмас экан. «Нега энди сиз ўзингизни никотиндан сақламаётирсиз? Ахир, сиз кимёгарсиз, унинг зарарини жуда яхши биласиз-ку?» сўраб ди кимдир Менделеевдан.

«Медиклар ёлғон гапиришади, — бамайлихотир жавоб қилибди, Менделеев, —мен папирос тутунини микробли пахтадан ўтказиб юборяпман. Тутун уларнинг баъзиларини йўқ қилиб юборганини ҳам кўрдим. ҳам бор экан».


## „ЭРТАГА КЕЛИНГ„

Менделеев имтиҳон қабул қилганида студентларни чақирмас, балки уларнинг ўзлари йўқлама бўйича фамилияларини айтиб, имтиҳонга киришар экан. Нима бўлибдию, имтиҳонлардан бирида студентлардан биттаси Менделеевга ўзини «Князь В» деб таништирибди.

Менделеев ясама титулларни жуда ёмон кўрар экан. Шунинг учун ҳам совуққонлик билан студентга шундай жавоб қилибди:

— «К» ҳарфидан эртага имтиҳон оламан.

«Техника молодежи» журналидан.



**Р. Р. Шредер номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-текшириш институти республика колхоз ва совхоз хўжаликлари учун бу йил ўн минг туп «Мейер» навли лимон кўчатлари юборади.**

**СУРАТДА: илмий ходим В. Чхотуз ва энг яхши сувчи Гулсора Упирлебоева лимон қаламчалари участкасида.**

**Х. Ҳайтмуҳамедов фотоси, УзТАГ.**

*Пазанда минбари*

# Мурабболар

## ЎРИКДАН

**Ўрикнинг «пошойи», «исфарак», «қандак», «хурмойи» навларини данагидан ажратасиз.**

**Шакарни мураббо қозонига солиб, сув қуясиз ва қиём қайнатасиз. Қайноқ қиёмни тайёрланган ўрикнинг устидан қуйиб бир сутка олиб қўясиз. Эртаси қиёмни ўрикдан ажратиб олиб яна бир қайнатасиз ва ўрикнинг устидан иккинчи марта қуйиб олиб қўясиз. Учинчи куни мураббони суст оловга қўйиб пиширишни охирига етказасиз. Тайёр мураббога мева эссенцияси ва ванилин қўшиш керак.**

**Ўрик мураббога: 1 килограмм ўрик, 1,5 килограмм шакар, 2 стакан сув, 10 томчи мева эссенцияси, 1 чой қошиғидан ванилин кетади.**

## ОЛМАДАН

**Бу мураббо учун ширин навли олмалардан танлаб олиб, совуқ сувга бир ювиб ташлангандан сўнг қалинлиги 2 сантиметр келадиган тилимларга бўлиб чиқасиз ва уруғини тозалайсиз. Ана шу олма тилимларини қайноқ сувга 5—10 минут солиб қўясиз ва тезлик билан совуқ сув қуйиб совутасиз. Мураббо қозонида қиёмни қайнатиб, унга тайёр олманн соласиз ва олма тиниқ, ялтироқ тусга киргунча суст оловда қайнатаверасиз. Агар олманинг баъзи бўлаклари тез пишиб қолса, қошиқда териб олиб турасиз, қолган бўлакчаларни охиригача пиширасиз. Мураббо тайёр бўлгач, ванилин қўшасиз.**

**Олма мураббо учун: 1 килограмм олма, 1 килограмм қанд, 1 стакан сув, кетади.**

## ОЛХЎРИДАН

**Мураббо учун олхўрининг ҳамма навларн ишлатилади. Аммо олхўри заҳа ва қурт тушмаган бўлиши керак. Олхўрининг бандини олиб ташлаб, иссиқ сувга 5—6 минут солиб қўясиз. Сўнгра чўп билан олхўрининг бир неча ерини тешиб, пичоқ билан ўртасидан тиласиз. Жуда йирик олхўриларни эса иккига бўлиб, данагини олиб ташлаб пиширасиз.**

**Мураббо қозонига шакар ва сув солиб қиём пиширасиз ва унн олхўрининг устидан қуйиб олиб қўясиз. Эртаси қиёмни олхўридан ажратиб яна бир қайнатасиз-да, олхўрининг устига иккинчи марта қуясиз. Учинчи суткада олхўрини қиёмдан ажратмай пиширишни охирига етказасиз. Тайёр мураббога олхўри эссенцияси ҳам қўшинг.**

**Олхўри мураббо учун: 1 килограмм олхўри, 1,3 килограмм қанд, 2 стакан сув, 10—15 томчи олхўри эссенцияси қўшилади.**

# НОН УШОҒИ

## ШИНГИЛ ҲИКОЯ

Хиёбоннинг четида бир-бирига чирмашиб ўсган икки туп тут дарахти бор. Шу ерга чиройли қилиб ишланган скамейкада кишилар хордиқ чиқаришади. Севишганлар ширин суҳбат қурадилар. Ана, ҳозир ҳам дўндиққина бир қиз торт еб ўтирибди.

Қиз ўрнидан туриб этагига тўкилган торт ушоқларини қоқиб ташлади, сумкасини ўйнатганича хиёбон ичкарисига кириб кетди.

Шу пайт орқа тарафимдаги йўлакдан гўзал бир қиз келдида, скамейка четига ўтирди. Торт ушоқларига кўзи тушди-ю, уларни шу ерда ётган газета парчаларидан бирига йиға бошлади.

У менинг ўзига қараб турганимни сезиб уялибгина деди:

— Нонни ейишга ейишипти-ю...

Бенихтиёр яқинлашиб унга ёрдамлаша бошладим. Ўзим: «нега шу фикр илгарироқ хаёлимга кела қолмади».— деб хижолат тортардим.

Шундай қилиб бир пасда атрофимиздаги мороженое қогозидан тортиб, папирос қолдиғигача териб бўлдик. Шундан сўнг мен тортиниб: «бахтли бўлар кансиз» дедим.

— Вой нега энди,— қиз уялиб кетди.

— Нон ушоғини улуғлаганингиз учун.

— Менинг ўримда бошқа киши бўлганда ҳам ўзи ўтирган жойни тозалаб ўтирарди-да.

— Балки шундай қилмасмиди,— дедим унга ҳурмат билан тикилиб.— Чунки шу нон ушоқларини, газета парчаларини, папирос қолдиқларини сочиб кетган одамлар ҳам сиздай инсон эди-ку...

**Эгам ЎТАЕВ.**

*«Тошкент оқшоми»нинг ҳажв дафтаридан*

# Уйғондимму?

**(БИР ЙИГИТ ҚУЕШ БИЛАН ШУНДАЙ СУҲБАТЛАШГАН ЭКАН)**

Эй Қуёш, уйқусидан ғайратли ёрим турдимму,
Тургани рост бўлса айтгил, юз ювиб улгурдимму?
Ям-яшил олам, сабо эсгай сочиб гул атрини,
Бул жаҳон роҳатларин эл бирла ул ҳам сурдимму?
Дер Қуёш: оромда ҳозир, қайтгунингча уйғонар,
Жилмаяр, ишдан келиб сўр, балки туш-муш кўрдимму?
Пашшалар ғув-ғувлашар хонтахта узра базм этиб,
Кечадан қолган таомлар ичра ин-пин қурдимму?!
Чой беринг, деб жовраша ат рофида гўдакларинг,
Сўзлари, билмам, қулоққа алла бўлиб кирдимму?!
Эй йигит, ёрнинг жаҳонда якка-ю танҳо эрур,
Омадингдан бошқалар ҳам мен каби ўргилдимму?!

# ЎЙНАЙВЕР, БОЛАМ, ЎЙНА!

**(БИР ОТА УҒЛИНИ ШУНДАЙ ЭРКАЛАРКАН)**

Якка-ю, ягонамсан,
Олтиним, дурдонамсан,
Ҳам отам, ҳам онамсан,
Ўйнайвер, болам, ўйна!
Бир туртишда қулатдинг,
Кўп болани йиғлатдинг,
Зўрлигингни кўрсатдинг,
Ўйнайвер, болам, ўйна!
Қўлингдаги рогатканг,
Қушлар ҳолин қилди танг,
Тош отиб вараиг-варанг,
Ўйнайвер, болам, ўйна!
Трамвайма-трамвай,
Сакраб юрасан, ҳай-ҳай,
Эпчилгинам, ўргилай,
Ўйнайвер, болам ўйна!
Ўқишинг «икки» эмиш,
Еганинг дакки эмиш,
Бу ишинг чакки эмиш,
Ўйнайвер, болам, ўйна!

**У. ЮСУПОВ.**

● Фаройиботлар

## ЭЛЕКТР ТОКИДАН ЛАЗЗАТЛАНУВЧИ КИШИ

**54 ёшли югослав Мирослав Гродзанович организмининг ғаройиб хусусияти бор. У электрик (монтёр) бўлиб ишлайди. Қизиғи шундаки, кўли электр токига тегиб кетгудек бўлса, сира-сира чўчимайди. Бу нарса унга ноқулайлик туғдирмайди ҳам, аксинча, у бундан лаззат олади.**

**Гувоҳларнинг айтишига қараганда, Гродзанович «бир порция ток» дан сўнг бир неча соат маза қилиб ухлаб тургандек сезармиш ўзини. Бордн-ю, бирор сабаб билан у 220 вольт қувватли электр симини нам бармоқлари билан ушлаб кўрмаса, ўзини кун бўйи қаерга қўйишини билмайди.**

# ОҒРИҚ СЕЗМАС ҚИЗ

**Франция тупроғида — Гайналлар оиласида дунёга келган қиз соғлом туғилди. У бошқа барча болалар каби ўса бошлади.**

**Бир неча ойдан сўнг онаси ғалати одатини пайқаб қолди. Чунончи, қизча каравотча сининн оёғи қонаб кетгунча тепиб ўйнарди. Бироқ Моника йиғлаш ўрнига қиқирлаб кулар ди. Қизчанинг тиши чиқа бошлагач, у қўлини жон жаҳди билан тишлайвериб, яра қилиб юборди.**

**Болани касалхонага олиб боришга мажбур бўлишди. Врачлар қизчани обдон текшириб, туғма оғриқ сезмас эканлигини аниқладилар.**

**Медицина тарихида бунақа воқеалардан фақат юзтаси маълум.**

## РАССОМ ТАБАССУМИ




«Ўзига ўзи хизмат қиладиган» ошхона.



— Чой совуб қолди, қаерда қолиб кетдиларинг?

— Зўрлаб қўйишмади, тўрт тўйдан ош еб келяпмиз!..



— Гуручингиз майда экан, яна 5 тийин арзонроқ қилинг... 2 кило оламан!



Қайтимини олиб қолаверинг, оппоқ қиз...




— Дадаси, қулоғим, бўйним, панжаларим боп падарка олиб келгандирсиз, топдимми?



— Топдинг, марҳамат!!!

● Фоторепортаж

# ЁЗ ГАШТИ





**КЕЛИНГ, ДЎСТЛАР, бу шанба Тошкент ёзининг ўзгача хислати ва файзи билан яна бир бор танишиб чиқайлик.**

**ТОШКЕНТ ДЕНГИЗИ. Сувига қарасангиз ўз аксингиз кўринади. У шунчалик тиниқ ва беғубор. Бу ерда кимлардир яйраб-яйраб сузса, яна бировлар мовий денгиз бўйлаб катер ва қайиқларда сайр қилишади. Ов ишқибозлари эса соҳилда қармоққа балиқ илинишини кутишади.**

**ЁЗНИНГ ФЕРУЗА ОСМОНИДА учишнинг ўзи гашти бор, дейди учувчи Т. Алиев. Лекин яшил майса-гилам тўшалган ер ва соя-салқин боғлар қучоғида онла аъзоларн билан дам олиш ҳам мароқли. Бу шанба Т. Алиев ва А. Мансуровлар оиласи сўлим боғлар қучоғида ҳордиқ чиқаргани чиққанлар.**

**«ТАШСЕЛЬМАШ» заводининг қуювчиси Р. Ўрозақов ўғли Тоҳир билан балиқ овига чиқишни яхши кўради.**

**Бугун эрта тонгдан улар овга отландилар. Қармоқлар сувга ташланди. Балиқ ҳам илиниб қолар... Овингиз баракали бўлсин, Раззоқ ака!**

**БОБОКАЛОН ДЕҲҚОНЛАРИМИЗ** колхоз боғларини ҳандалак, қовун-тарвузлар, мева-чевалар билан тўлдириб ташладн.

Ҳамиша шундай мўл-кўлчилик бўлгани яхши.

**Э. ҚОДИРОВ,**
**Ю. Бутусов**
фотолари.





## ХАНДАЛАР

—Азизим, илгари мен учун ўтга ҳам, сувга ҳам тушишга тайёр эканлигингни кўп марта гапирардинг. Ҳозир у гаплар эсингга ҳам келмайди,— деди хотини эрига.

— Жонгинам, сен кимга турмушга чиққанингни биласанми ўзинг? Мен масъум ходимманми ё ўт ўчирувчими?— деди эри.

* * *

Бир рўзғор ўқувчидан сўради:

— Нима учун худо аввал эркакларни, ундан кейин аёлларни яратган?

— Чунки у эркакларни яратаётган пайтда аёллар унга маслаҳат бериб туришларини истамаган,— деб жавоб қилди ўқувчи.

* * *


Икки донишманд кимни ахмоқ деса бўлади деб, роса тортишишди.

— Ахмоқ деб,— деди биринчи донишманд шундай бир кишига айтиладики, у ўз фикрини бошқа кишилар тушуна олмайдиган қилиб ифодалайди. Тушудингми гапимни?

— Йўқ— деди суҳбатдоши.

Жаҳон ойнаси

# МУНОФИҚЛАР «ИНСОНПАРВАРЛИГИ»



Суратда: Праганинг Кржижовницка майдонидаги тарихий ёдгорлик обидалари.

Нигерия икки йилдан бери мамлакатнинг бутун ҳаётида чуқур из қолдирган оғир сиёсий тангликни бошидан кечириб келмоқда. Империалистик давлатларнинг актив иштироки билан бошланган граждан уруши унга мустамлакачилик етказган жароҳатларни янада катталаштирди.

Нигерия бирдамлиги учун курашаётган кишиларнинг чет эл доирларининг найрангларига ҳотима беришини талаб қилишлари Нигерия раҳбарларининг баёнотларида ва маҳаллий матбуот саҳифаларида борган сари кўпроқ янграб эшитилмоқда. «Уруш ким бизнинг дўстимиз, ким душманимиз эканини кўрсатди», — дейишади бу ерда.

Яқинда бутун мамлакат газабга келди. Ғарб мамлакатларининг Нигерия ички ишларига баъзан тўғридан-тўғри аралашаётгани кенг жамоатчиликка маълум бўлиб қолди. Воқеа бундай бўлди. Бешта «номаълум» самолёт Нигерия шаҳрига ҳужум қилди.

Тез орада бу самолётларни Швеция тарафдорлари бошқарганлиги маълум бўлиб қолди. Самолётларнинг учишини 1935 йилда Абиссинияда итальянлар томонида жанг қилиб «шуҳрат қозонган» граф Фон Розен деган кимса ташкил этган. Фон Розен бу ерда биринчи марта бундан бир қанча вақт илгари Қизил Крест вакили сифатида пайдо бўлган эди. Бироқ «инсонпарварлик» роли аftидан графга маъқул келмаган бўлса керак. У Швецияга қайтиб келгач, фирмаларнинг биридан самолётлар сотиб олади ва уларни Париждан узоқда бўлмаган Франция ҳарбий базасига юборади. Бу ерда самолётлар ракеталар учириш учун зарур бўлган қурилмалар билан қуроллантирилади.

Сўнгра у яна Нигерияга қайтиб келади ва ғалаёнчи Ожукву тарафида туриб граждан урушида қатнашади. Фон Розен ва унинг қўл остидаги кишилар Киншасада (Конго) «мардликлари» билан аянчли шуҳрат қозонган оқ танли сотқинлар раҳбари белгиялик Шрамм изидан боришди. Айтгандай, маълумотларга қараганда, Шрамм Бельгиядан яна чиқиб кетган ва мустамлакачиларнинг Африка халқларига қарши олиб бораётган курашида бу сафар Анголада ўзининг «янги ҳиссаси»ни қўшиш ниятида экан.

Маълумки, АҚШ, ГФР, Швеция ва Ғарбнинг бошқа бир неча давлати ўз вақтида Нигериядаги воқеаларга нисбатан аралашмаслик ва бетарафлик сиёсатида бўлажакларини айтган эдилар. Аммо фактлар бу расмий баёнотларни рад этади. Бу мамлакатларнинг ҳукмрон доиралари сепаратчиларни тўғридан-тўғри маънавий ва моддий қўллаб-қувватламоқдалар. Масалан, 1968 йил ўрталарида Ғарбий Германия маъмурлари ғалаёнчиларга уруш қурбонларига ёрдам бериш учун деган никоб остида бир миллион марка пул бердилар. Бу пуллар қурол-аслаҳа сотиб олиш учун сарфланди. Ожукунинг Ғарбий Германиядан олган пулларининг умумий суммаси 1968 йилда 55 миллион маркани ташкил этган эди.

Нигерия газеталари бу баёнотни шарҳлаб Халқаро Қизил Крест комитетининг ҳунук ролига эътиборни қаратмоқда. Комитет ҳодимлари Нигерия территориясида ғалаёнчилар фойдасига разведкачилик қилиш билан шуғулланадилар. Шу сабабли маҳаллий жамоатчилик бу ташкилотга уруш қурбонларига ёрдамлашувчи ташкилот деб эмас, балки Биафрадан қочиб кетаётган кишилар ва ҳарбий ҳаракатлар районидаги аҳолининг оғир аҳволини енгиллаштиришдан узоқда бўлган мақсадларни кўзловчи ғарб давлатларининг филиали деб қарамоқда.

Нигерия матбуоти АҚШ ва Ғарбдаги бошқа давлатларнинг Нигерияга муносабатларини уларнинг ер шаридаги бошқа районларда, шу жумладан Вьетнамда олиб бораётган жиноаткорона сиёсий йўлларининг давоми деб қараяпти. Мисол учун маҳаллий радио шарҳчиси америкаликлар ўзларининг ҳеч нима билан оқлаб бўлмайдиган ҳарактерларини инсонпарварлик мулоҳазалари билан яшириш учун уринияпти, деб қайд қилиб кўрсатди. Уларнинг Вьетнам шаҳар ва қишлоқларини бомбардимон қилаётганини, хотин-қизлар, болалар ва кексаларни ўлдираётганини, тўғонларни вайрон қилаётганини, экинларни ёндириб, заҳарлаётганини, кишиларни очликка гирифтор этаётганини эсимизга олсак яхшироқ бўларди,— деди шарҳчи.

**Ю. КУРИЦИН,**
**АПН мухбири.**
**Лагос.**



Суратда: бир группа чет эллик туристлар Будапештдаги тарихий ёдгорлик обидалари билан танишмоқдалар.

## СОВЕТ-МАРОКАШ ҲАМКОРЛИГИ

РАБОТ, (ТАСС). Марокашдаги Дара дарёсида Совет Иттифоқининг ёрдами билан муҳим халқ хўжалиги аҳамиятига эга бўлган Нурбаз гидротехника комплекси қурилмоқда. Барпо этиладиган тўғон 500 миллион кубаметр ҳажмидаги сув омбори қуришга имкон беради. Гидроэлектростанция 10 минг киловатт қувватга эга бўлади. Нурбаз гидроузели қарийб 15 минг гектар ерни суғориш имкониятини яратади, бу ерда йирик деҳқончилик райони ҳам барпо этилади.

Совет «технопромэкспорт» ташқи савдо бирлашмаси билан Марокашдаги тоғ конларини очиш давлат бошқармаси ўртасида Дара дарёси тўғонининг ўзани учун цемент пойдевор қуриш тўғрисидаги шартнома имзоланди.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ

## МЕНИНГ МИЛИЦИЯМ

# КАТАК КЎЙЛАК СИРИ

Сайдаҳмад Сайдалиевнинг милицияда ишлаганига ҳали ўн йил ҳам бўлгани йўқ. Аммо, унинг номи фақат район бўлимида эмас, балки шаҳар милиция бошқармаси ва республика Ички ишлар министрлигида ҳам ҳурмат билан тилга олинади. У ўзининг сезгирлиги, доворюраклиги ва тадбиркорлиги туфайли қанчадан-қанча, жиноятларни фош қилди, кишилар осойишталигини сақлашга ҳисса қўшди. Бир неча бор қимматбаҳо буюмлар ва пул мукофоти билан тақдирланди, раҳматномалар олди.

— Сайдалиев тўғрисида ҳар қанча ёзса арзийди, — дейди шаҳар ижроия комитети ички бошқармаси кадрлар бўлимининг бошлиғи майор Қосимов.—Ҳаммасини айтиб ўтирмайман, у очган учта жиноятнинг ўзи ҳам катта қисса бўлади.

...Биз қотмагина, ўрта бўйли, оддий кийинган киши билан суҳбатлашиб ўтирибмиз. Суҳбатдошининг сўзларига кўпроқ эътибор бериб, ўзи озроқ гапиришга ҳаракат қилади. Унинг ишлари тўғрисида гап кетгундай бўлса, фақат ўз бурчини кўпчилик қатори оқлаётганини айтади.

Биз ундан ашаддий қотилни қандай қўлга туширганлигини айтиб беришни илтимос қилдик. Милиция младший лейтенанти Сайдаҳмад Сайдалиев бироз ўйланиб, воқеани кўз ўнгига келтирди. Сўнг вазминлик билан ҳикоя қилиб берди.

«Номаълум жасад топилди.» Бундай воқеа фавқулодда ҳодиса ҳисобланади. Хабарни эшитган милиция бўлими бошлиғи дарҳол оператив ходимларни йиғди. Сайдалиев бошчилигидаги группа воқеа содир бўлган жой-Горький кўчасидаги 191-уйга йўл олди.

Жасаднинг чўнтагидан «Хайиров» сўзи ёзилган бир парча қоғоз чиқди. Унда Ўрта Чирчиқ районида ишлаганлик тўғрисида маълумот бор эди. Атроф тинтув қилинди. Гумонсираш учун далил бўладиган бирон факт топилмади.

Қўни-қўшниларни суриштириш, гумон қилинган шахсларн текшириш бошланди. Охирги тумон жафокаш тўғрисида хабар қилган шахс Юмакаевга келиб тақалди.

— Юмакаев — ўта хира шахс, ҳар куни ичиб хотинини дўппослайди, ҳеч ерда ишламайди, — деди қўшниларидан бири.

— Оёқ олишн бежо, — деди яна бироз.

Юмакаев сўрокда ҳеч нарсани тан олмади. Қидирув давом этди. Хайировнинг на исми, на ишлайдиган жойи кўрсатилмаган. Унинг топилишига умид бўлмаса да, қидирув давом этди. Охири Хайиров Ўрта Чирчиқ районидаги колхозлардан бирида ишлаши ҳақида хабар топилди. Хайиров жасаддан ечиб олинган майкани таниди. Марҳум билан икки кун бирга ишлаганини айтди. Аммо унинг асли ким, исми-фамилияси нима эканини билмас экан.

Анча қидиришдан сўнг далиллар етарли бўлмаганлиги учун иш ёпилди. Агар бир воқеа содир бўлмаганда номаълум мурда мутлоқ унитилган эди...

Кунлардан бирида милицияга бир одам келди. Уз уйида маст ҳолида бир киши ўлиб қолганлигини айтди.

Бу хабарни берган киши юқорида биз номини тилга олган шахс — Горький кўчасининг 9-тупигидаги 12 -уйда истиқомат қилувчи Юмакаев эди.

— Қандай қилиб ўлди, касалмиди ? — Сўради оператив қидирув бўлимининг ходими Сайдалиев.

— Каравотда димиқиб ўлиб қолди.

— Димиқиб?

— Ҳа, кечқурун Володя билан озгина ичган эдик. Унинг касали бор эканми, эрталаб қарасам қотиб қопти.

—Володя ким?

— Минушчикнинг оти Владимир.

—Шундоқ денг?

— Ҳа, ўлай агар, ўзи ўлиб қолди.

Тафсилотлар жафокаш бошқа одам томонидан ўлдирилганлигидан далолат беради. Уй эгасига бориб тақалди гумон. Юмакаевнинг уйи тинтув қилинди. Печка ичидан битта сариқ катак кўйлак чиқди. Кўйлак устидаги кўзга сланлас ташланадиган доғлар шубҳа туғдирди.

— Бу кўйлак шу кўчада ўлдирилган одамники-ку, — деди милиция младший лейтенанти Хайировнинг сўроқ вақтидаги сариқ кўйлак ҳикоясини эслаб.

— Йўғ-е...

— Мени чалғитолмайсиз. Бу ўша кўйлак. Демак бу одамни ҳам, у одамни ҳам сиз ўлдиргансиз.

— Бу туҳмат!..

Суд-медицина эксперти анализи тахминни исботлади. Юмаков ҳар иккала қотилликни ҳам ўзи қилганлиги, уларнинг ёнидан пулини олганлигини ва ниҳоят илгари ҳам бир ёш йигитни ўлдирганлигини тан олди.

Шундай қилиб ашаддий жиноятчи қўлга туширилди. Октябрь район милиция бўлими жиноят қидирув ходимлари Асад Маҳкамов ва Сайдаҳмад Сайдалиевни Бошқарма қимматбаҳо буюм билан тақдирлади.

**Ҳ. ҲАКИМОВ.**

# ЯНГИ МАҲСУЛОТЛАР



КОСТРОМА. Йил бошидан В. И. Ленин номли каноп комбинати планга қўшимча 100 минг метр газлама, 35 тонна ип тайёрлади. Янги маҳсулот турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Каноп лавсан полотно ва каноп висноз газламаларининг ранги тез ўзгармайди. Бу янги маҳсулотларга талаб жуда катта.

Суратда: комбинат бадиий устахонасининг копировщачиси Ирина Холодова газламаларга тайёрланган янги гуллар ёнида.

В. Кунов фотоси, ТАСС фотолари.




Актюбинскдаги рентген аппаратлари заводининг ўйинчоқлар цехи томонидан ишлаб чиқарилган стол спорт ўйинлари кичкинтойларни хушнуд қилади.

Завод ходимлари янги ўйинчоқ турларини ишлаб чиқиш устида ижодий изланмоқдалар.

Суратда: (чапдан ўнгга) ўйинчоқлар бюроси бошлиғи С. Т. Пачин, инженер-технолог Г. Н. Чистякова ва инженер конструктор Ю. П. Шахов янги ўйинчоқлар намунасини муҳокама қилишмоқда.

Д. Карачун фотоси.




## Радио

### 26 ИЮЛЬ
### ШАНБА

**БИРИНЧИ ПРОГРАММА**

**18.00** Пахтакорлар ҳақида қўшиқлар. **18.40** Спорт эшитириши (ўзбекча). **19.20** Куйлардан — қўшиқлар. **20.00** «Ленинпома» программаси (ўзбекча). **20.40** Ўзбекистон санъат усталарининг концерти. **21.00** «Қардош коммунистик партиялар ҳаётидан» (ўзбекча). **21.10** Қишлоқ механизаторлари учун концерт. **22.20** «Янги ёзувлар». Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий. Андижон область театри артистлари ижросида «Холисхон» музикали драмасининг монтажи.

**ИККИНЧИ ПРОГРАММА**

**19.00** Ҳажвий ҳикоялар (ўзбекча). **19.30** «Шоир дафтари» (русча). **20.00** Шашмақомдан парчалар. **20.30** Озарбайжон куйлари. **21.00** Эстрада-рақс концерти. **21.40** Савдо ходимлари кунига бағишланган суҳбат ва концерт (татарча).

### 27 ИЮЛЬ
### ЯКШАНБА

ҲАРБИЙ-ДЕНГИЗ ФЛОТИ КУНИ
САВДО ХОДИМЛАРИ КУНИ

**БИРИНЧИ ПРОГРАММА**

**6.15** Тонгги концерт. **7.45** «Мактаб ва жамоатчилик» циклидан (ўзбекча). **8.25** Эстрада концерти. **9.30** Ўзбек куйларидан концерт. **10.10** «ТАБАССУМ» радиожурнали. **11.35** «Ҳарбий-Денгиз Флоти — Ватанимиз чегаралари посбони». **11.45** Тинчлик ҳақида. Ватан ҳақидаги қўшиқлар. **12.15** «Эрталабки салом!» (Москва). **13.30** Савдо ходимлари учун концерт. **15.00** Савдо ходимлари кунига бағишланган эшитириши ва талабларга мувофиқ концерт (ўзбекча). **15.50** «Олмалиқ зарбдори» (русча). **17.40** Экран янгиликлари.

**18.00** «Мусиқали глобус» (ўзбекча). **18.40** «Ўтёс» музикали новелласи (русча). **19.20** Халқ талантлари концерти. **20.00** «Ёшлик» радиостанциясининг программаси. **20.40** «Ҳарбий денгизчилар, сизлар учун» деган концерт (ўзбекча). **21.00** «Мамлакат ва қитъалар» (ўзбекча). **21.10** Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. **22.20** «Табассум» радиожурнали. Тақрорий эшиттириш. **23.20** «Хайрли кеч» деган концерт.

**ИККИНЧИ ПРОГРАММА**

**8.25** Денгизчилар ҳақида қўшиқлар. **9.15** Реклама ва эълонлар. **19.00** Москва. Халқаро шарҳловчилар даврасида. **19.30** Рақс куйлари. **20.00** «Юность» радиостанциясининг программаси (Москва). **21.00** Дам олиш концерти (тожикча). **21.40** Ўзбек давлат филармонияси хор капелласининг концерти.

## Телевизор

### 26 ИЮЛЬ
### ШАНБА

**БИРИНЧИ ПРОГРАММА**
**ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ**

**Ўзбек тилида:** **17.10** Марғилон шаҳар ипакчилар клуби қошидаги болалар бадиий ҳаваскорларининг концерти. **17.50** «Футболчилар» Кинофильм. **18.20** «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Интернационал дўстлик клуби». **19.05** Телевизион янгиликлар. **19.20** Хатлардан қўшиқларга. Концерт.

**МОСКВА КЎРСАТАДИ**

**20.00** Рангли телевидение программаси. **21.30** СССР халқларининг телевизион атласи. Қолмоғистон. **22.00** Спорт янгиликлари. **22.30** Эстрада оркестрининг концерти. **23.45** Янгиликлар. **24.00** Ленинизм — замонамиз байроғи. **00.30** «Новости дня» киножурнали. **00.45** «Сатурн»га йўл». Бадиий фильмнинг биринчи серияси. **02.00** «Кечки Ленинград». Эстрада концерти. **03.00** Янгиликлар, кўрсатувлар программаси. **03.15** Москва кўрсатувларининг охири.

**ИККИНЧИ ПРОГРАММА**
**МОСКВА КЎРСАТАДИ**

**17.30** Э. Скриб. «Джефет ёки отани қидиришда». Телеспектакль премьераси. **18.45** Янгиликлар. **19.00** Меҳнат қаҳрамонларига шон-шарафлар.

**ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ**

**Ўзбек тилида:** **20.00** Спорт ҳафта ичида. **20.20** «Ер овози». Кинофильм. **21.10** Ўзбек куйларидан концерт. **21.40** «Майор Вихрь». Бадиий фильмнинг иккинчи серияси.

**УЧИНЧИ ПРОГРАММА**
**ДУШАНБА КЎРСАТАДИ**

**Рус тилида:** **18.00** Экран — болаларга. **18.30** Янгиликлар. **18.45** «Қуёноқ болалар»: Бадиий фильм.

### 27 ИЮЛЬ
### ЯКШАНБА

**БИРИНЧИ ПРОГРАММА**

**9.55** Кўрсатувлар программаси.

**Ўзбек тилида:** **10.00** Гимнастика ҳамма учун. **10.20** СССР Ҳарбий-Денгиз Флоти куни. Болалар учун. «Ҳали олдинда мингларча милъ масофа бор». Телефильм.

**Рус тилида:** **10.40** Кичкинтойлар учун. «Ўйлаб топ». **11.10** Болалар учун. «Кичик юлдузлар» Фильм-концерт.

**Ўзбек тилида:** **11.40** «СССР Ҳарбий-Денгиз Флоти». Телефильм. **12.00** Болалар учун телевизион театр. Гарриэт Бичер Стоу. «Том тоғанинг кулбаси». **13.10** СССР Ҳарбий-Денгиз Флоти кунига бағишланган эшиттириш (рус тилида). **16.55** Кўрсатувлар программаси. **17.00** «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Олов қалбли кишилар».

**18.00** Киноленинома. «Киевда Октябрь» **18.25** «Аҳборот» информацион программаси (рус тилида). **18.55** Савдо ходимлари кунига бағишланган эшиттириш. **19.55** «Аҳборот» информацион программаси. **20.25** «Трембита». Бадиий фильм (рус тилида). **22.00** Сурчи —гўзани яшнатувчи. **22.20** Мақом кечаси.

**ИККИНЧИ ПРОГРАММА**
ЎҚУВ КЎРСАТУВЛАРИ ПРОГРАММАСИ

**10.00** Ўзбек ва рус тилларида абитуриентлар учун физикадан машғулот.

**МОСКВА КЎРСАТАДИ**

**12.00** Болаларнинг эрталабки гимнастика машғулотлари. **12.15** Ўқувчилар учун. «Будильник». **12.45** «Денгиз чегараларини қўриқлашда». СССР Ҳарбий-Денгиз Флоти кунига бағишланган эшиттириш. **14.45** Ўсмирлар учун. «Музикали киоска». **15.15** Ўсмирлар учун «Океанга йўл». СССР Ҳарбий-Денгиз Флоти кунига бағишланади. **16.15** Янгиликлар. **16.30** Савдо ходимлари кунига бағишланган эшиттириш. **17.00** Ўқувчилар учун концерт. **17.30** «Дўстлик»нинг чеки йўқ».

**18.00** Қишлоқ янгиликлари. **19.00** Совет Армияси ва Флоти жангчилари учун эшиттириш. **19.30** Рангли телевидение программаси. **22.00** Интервидение. СССР да Польша Халқ Республикаси маданияти кунлари тантанали равишда олиб кўрсатилади. Танаффус вақтида ҳалқаро программа «Етти куп». **00.45** «Сатурн»нинг тугатилиши». Бадиий фильмнинг иккинчи серияси. **02.35** Москва кўрсатувларининг охири.

**УЧИНЧИ ПРОГРАММА**

**17.00** ФРУНЗЕ ТЕЛЕСТУДИЯСИНИНГ КЎРСАТУВЛАРИ.

## ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 27|VII да **Ажаб савдолар**, 28|VII да **Багри тош**.

## Кино

### 26 ИЮЛДА
### ҚИШКИ БИНОДА

**Доктор Абст тажрибаси** —«ДРУЖБА» (тоқ соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН» (кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ» (кеч соат 8 да).

**Оқ рояль** — «ДРУЖБА» (жуфт соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЛЛИГИ» (кечқурун).

**Оила жанжали** —«ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЛЛИГИ», «ВОСТОК» (кечқурун).

**Йўлнинг ўндан бири** (кеч соат 9 да), **«24—25 қайтмади»** (кеч 7 да) —«МОСКВА».

**Кашмирдаги севги** (ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли (кечқурун).

**Қор аёл ҳақида афсона** — «ЧАЙКА» (кечқурун).

**Бомбай тун оғушида** — САНЪАТ САРОЙИ (кечқурун).

### 27 ИЮЛДА
### ҚИШКИ БИНОДА

**Доктор Абст тажрибаси** —«ДРУЖБА» (тоқ соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 4 ва кеч 8 да), ЧАЙКА» (эрталаб 11.45 ва кундуз 10.30 минутда).

**Оқ рояль** —«ДРУЖБА» (жуфт соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

**Оила жанжали** — ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЛЛИГИ», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

**Йўлнинг ўндан бири** (эрталаб соат 10, кундуз 1.20 минут, 5 ва кеч 9 да), **«24—25 қайтмади»** (эрталаб 11.40 минут, кундуз 3 ва кеч 7 да). — «МОСКВА».

**Кашмирдаги севги** (ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

**Қор аёл ҳақида афсона** — «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

**Бомбай тун оғушида** — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

**ПУШКИН НОМЛИ БОҒДА**
**26, 27 ИЮЛДА**
**М. ҚОРИЕҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ ВА ЭСТРАДА АРТИСТЛАРИНИНГ КОНЦЕРТИ**

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар
**Олмахон ҲАЙИТОВА, Жуманазар БЕКЖОНОВ,**
**Солистлар: Зокиржон СУЛТОНОВ, Гулчеҳра ИСМОИЛОВА, Жуманиёз СОБИРОВ, Отамурод ҲОЖИЕВ, Раҳмон АБДУРАСУЛОВ, Нина ТЯГНИБИДНАЯ, Зумрад ҲОЖИЕВА, Руқия АБДУЛЛАЕВА, Жуманиёз БОЙКОНОВ, Ҳайриддин ФАЁЗОВ ва бошқалар қатнашади.**

Программани Зайтуна **ТОЖИБОЕВА** олиб боради.

Концерт кеч соат 9 да бошланади.

Билетлар сотилмоқда.

**«УЗТРАНССПЕЦСТРОЙ» ТРЕСТИНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ КОНТОРАСИГА**

омбор мудирлари, 3,4, 5-разрядли пайвандчилар, «МАЗ—130» автомашина шофёрлари, автопогрузчика бошқарувчилари

**КЕРАК**

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 10-уй.

Тошкент область Калинин районидаги 34-ўрта мактаб томонидан Ҳошимов Эркин номига берилган 497340-сонли йўқолган **ЕТУКЛИК АТТЕСТАТИ** бекор қилинади.

Тошкент оқшоми 4 БЕТ. 26 ИЮЛЬ, 1969 й.

«ВЕЧЕРНИЯ ТАШКЕНТ» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар Дзержинский кўчаси, 15-уй. Редакция телефонлари, Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари 33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар—33-27-22, партия совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари 33-29-42, адабиёт санъат ва маданият бўлими 33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар, 33-29-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари 33-27-57, саноат, транспорт, қурилиш бўлимлари —33-27-03, ахборот бўлими—33-65-57, эълонлар бўлими —33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриёти нинг босмахонаси Тошкент шаҳри

Индекс 64579.

НАШР 2808. Р. 04529.